

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 61-ҳадис

61 – وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ مَرَّ عَلَى صَبِيَّانٍ فَسَلَّمَ عَلَيْهِمَا وَقَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَفْعَلُهُ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**Бу киши ёш болалар олдидан ўтиб, уларга салом бердиларда: «Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг одати шарифлари мана шу тарзда салом берардилар», дедилар.**

Муттафақун алайҳ.

**Шарҳ:** Ёш болаларга салом бериш жамиятда уларнинг ўрни, қадри бор эканини, уларга нисбатан меҳрибонлик ва эътибор кўрсатилаётганини англатиб, катталар ва болалар ўртасидаги алоқани тартибга солади.. Жамиятшунослик фанида бу нарсани ўзаро жипслашиш ва бирлашиш, деб номланади.

### Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Ёш болаларга салом бериш набавий суннатдир.
2. Ёш болаларга салом бериш, уларни ҳам салом бериш ва алик олишга ўргатади, одатлантиради.
3. Ёш болаларга салом бериш уларга нисбатан меҳрни, шафқатни англатади.
4. Қўшнинг ёки мактабингдаги ёш болаларга ҳам салом айт.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVAIDLARI

